

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА КИТОБАТ САНЪАТИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ

Зойиров Камолитдин Абдуҳакимович¹, Норбоева Дурдона Рустам қизи²

¹*Жиззах давлат педагогика университети доценти, п.ф.н., доцент.*

²*Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналиши талабаси.*

Китобат санъати жуда, қадимий тарихга эга ва ўз тараққиёти даврида бир неча бор ўз шакл-тамоилини ўзгартириб бўлсада, ҳозирги шароитда ўзининг мукаммалига эришган дейиш мумкин. **Китобат санъати** (арабча- катаба – ёзиш, ёзмоқ сўзидан) — қўлёзма китобларни яратиш ва зийнатлаш. Марказий Осиёда (жумладан, Ўрта Осиёда) қўлёзма китобларни безаш жуда қадимдан маҳаллий маданият тараққиёт босқичлари билан боғлиқ ҳолда шаклланди. Китобат санъати Шарқ маданиятининг қадимий ва нодир турларидан бири. Китоб Шарқда қадимдан иззат-икромда бўлган. Унда Ватан ва миллат тарихи, илм, фан сирлари, кишиларнинг фалсафий ва эстетик қарашлари, турмуш тарзи, орзу умидлари ўз аксини топган.

Шарқ китобларини шарқона донолик, маънавий баркамоллик тимсоли сифатида эътироф этадилар. Шарқ китобат санъатининг яна бир қимматли жиҳати шундаки, унда хаттот, наққош, рассом, муқовасоз, зарҳал ҳарф ёзувчиси мутахассисларининг юксак бадиий маҳорати синтези сифатида юксак бадиий савиясидаги асарлар даражасига етказилган. Шу боис ҳам, жаҳоннинг энг йирик музей кутубхоналари (Санкт-Петербургдаги Эрмитаж, Нью-Йоркдаги Метрополитен, Лондондаги Британия музейи, Париждаги Франция Миллий кутубхонаси ва бошқалар)да Шарқ китобат санъатининг нодир намуналари сақланади.

Энг қадимги китоблардан «**Авесто**» қўлёзмалари, суғд тилида яратилган «**Вессантарака жатака**» асари (унинг варақлари турли мамлакатлар — Россия, Франция, Англияда сақланади), сопол юзасидаги битиклар, чарм ўрамлари, металл буюмлардаги ёзувлар, қоғоз варақ тахламалари (тахтачалар орасига олиб тизимчалар билан боғланган тури) ва бошқалар.

Ўрта асрларда умум мусулмон ёки араб тилидаги қўлёзма анъаналарига асосланган Китобат санъати тўлиқ шаклланди ва юксак тараққиёт даражасига эришди. Китобат санъати хунармандлар — қоғозрез, хаттот, лаввоҳ, мўзаҳҳиб, мусаввир, саҳҳоф (муқовасоз) ва бошқалардан иборат **гурух** (жамоа) томонидан бажариладиган жараён бўлиб, Ўрта ва Яқин Шарқ ислом тасарруфидаги давлатларда бир хил усулда амалга оширилган.




1-расм. XVIII - XIX асрларда китобат санъати.

Қўлёзма китоб учун яхши, сифатли қоғоз танланган, **хаттот** маттни қоғозга ёзишда махсус қоғоз-картон (мистар) устига ип тортиб унинг изини матн ёзиладиган қоғозга тушириб олгандан сўнг хат ёзилган. Маттни жойлаштирилиши хаттотнинг маҳоратига боғлиқ бўлган. Битилган маттни **лаввоҳ** ҳошия қоғозга елимлаган. Устидан **жадвалкаш** айна ёпиштирилган жойдан турли рангларда чизиқлар тортиб, маттни жадвалга олган. Сўнгра **мўзаҳҳиб** суюлтирилган олтин ва бошқа турли ранглар ёрдамида қўлёзмани зийнатлаган ва «шамс», «лавҳа», «сарлавҳа», «зарварақ» «хотима» сўзлари нақшлар билан безаган. Бўш қолдирилган жойларга мусаввир расм (миниатюра) ишлаган. Бойсунқур Мирзо альбоми, Амир Темур ва теурийзодалар суратларидан иборат мураккаблар, Баҳром Мирзо альбоми ва ўнлаб Улуғбек Мирзо ва Султон Ҳусайн Мирзо муҳрлари чекилган қўлёзмалар шулар жумласидандир.

Мусаввир, наққош нафис қамиш қалам билан расмнинг асосий тарҳини, шакллар чизиғини, заминни, деталларни чизиб, сўнг турли рангда (олтин, кумуш ишлатган ҳолда) бўяган. **Муқовачи** қўлёзмани картон ёки чармдан ишланган (нақш зарб қилинган, бўёқлар, олтин билан бўялган) муқовага бириктирган, муқова қопқоғи ёғочдан баъзан кумушдан қуйиб тайёрланган ҳамда босма, ўйма ва қадама нақшлар, ёрқин расмлар билан безатилган. Ўрта асрлар (VIII—XII асрлар)да мутафаккирлар ва олимлар асарлари, асосан, араб тилида (Хоразмийнинг «**Китоби сурат ал-арз**» — «**Ер тасвири китоби**», 1036; Берунийнинг «**Осор улбоқия**» — «**Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар**», XIV аср ва б.), кейинчалик (X—XIX-асрлар) форс тилида битилган ва расмлар билан безатилган.

Теурийлар даври (1370 — 1506 йиллар)дан бошлаб туркий — ўзбек тилида китоблар яратилишига алоҳида эътибор берилган. Сарой кутубхоналари

ва нуфўзли шахслар учун тайёрланган қўлёзмалар Китобат санъатининг юксак намунаси даражасида яратилган. Мумтоз Шарқ адабиёти намояндлари (Фирдавсий, Низомий, Дехлавий, Бедил, Алишер Навоий ва б.) асарлари, буюк алломалар (Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва б.)нинг илмий асарлари қўлёзмалари шу усулда тайёрланган Китобат санъатининг нодир дурдоналаридир.



2-расм. Замонавий китобат санъати намуналари
(Абдумажид Мадримов иши).

Уларнинг аксарияти Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти фондида сақланади. Жумладан, шоира Нодира буюртмасига биноан хатгот Муҳаммад Юсуф Дабир томонидан XIX асрда Қўқонда кўчирилган Алишер Навоийнинг шеърлар тўплами — «Девони Алишер Навоий» қўлёзма китоби ишланган безакларига кўра, дунёда Китобат санъатида ягона нусхадир. Унда мусаввир ва хатгот Навоий асарлари инсониятга Куёшдек нур сочиб туришини рамзий тасвирлаган нақшлар мавжуд.


Бойсунқур Мирзо альбоми, Амир Темур ва темурийзодалар суратларидан иборат мураккаблар, Баҳром Мирзо альбоми ва ўнлаб Улуғбек Мирзо ва Султон Ҳусайн Мирзо муҳрлари чекилган қўлёзмалар шулар жумласидандир. Турк санъатшуносларининг тадқиқотларига қараганда Истамбулнинг Тўпқопу Сарити музейида ва Аё София музейида Самарқанд ва Хуросонда китобат

қилиниб, миниатюралар билан безатилган юзга яқин қўлёзма ва мураққаълар авайлаб сақланмоқда. Тўпқопу саройи музейида сақланаётган «Шоҳнома», Низомийнинг «Ҳамса»си, юз варак, 650 суратдан иборат.



3-расм. Китобга ишланган мириатюралар.

Китобат санъати XX асргача давом этган. XX асрнинг. 70—80-йилларида бир гуруҳ олимлар (жумладан, А. Мадраимов, Ш. Салимов, Ш. Муҳаммаджонов ва б.) саъй-ҳаракатлари, ижодий изланишлари натижасида анъанавий қўлёзма китоб яратиш санъати — Китобат санъати қайта тикланди.



Ш. Муҳаммаджонов Китобат санъати соҳасида самарали ижод қилмоқда: «Навоий лирикаси», «Калила ва Димна», «Девону луғотит турк», «Ипак

йўли хикоялари» ва бошқа кўпгина китобларни Китобат санъати усулида нафис безаклар, тасвирлар билан безатиб тайёрлаган.



5-расм. Девоний Хусаний. Шарқ китобат санъати.

Юқоридагиларга асосланиб, айтишимиз мумкинки, китобат санъати жуда, қадимий тарихга эга ва ўз тараққиёти даврида бир неча бор ўз шакл-тамойилини ўзгартириб бўлсада, ҳозирги шароитда ўзининг мукаммалига эришган дейиш мумкин. Айниқса, китобларни сўнгги йилларда кўплаб нашр этилмоқда, давр тақозоси билан ранг-баранг иллюстрацияли муқовалар, фото-расмли китоблар турли шаклларда ишлаб чиқарилмоқда. Бироқ китобат санъатида миниатюра, мумтоз санъат анъаналари билан безатган ҳам ҳали ҳамон ўз қимматини йўқотганича йўқ. Сўнгги йилларда эса компьютер графикасининг янги имкониятлари кўзга ташланмоқда. Тасвирий санъат асарларини компьютер техникаси билан кўпайтириш вариантлари юзага келмоқда. Демак, китоб санъатида янги технологик ўзгаришларда, компьютер техникаси имкониятлари асосида замонавий композицияли китоблар яратиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Интернет манбалари.